



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Саидов Машъал Самадович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD. Тошкент, Ўзбекистон. shoh_1993_rux@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a19

Аннотация

Ушбу илмий мақолади электр энергияси тармоғини бошқаришдаги муаммолар, давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, тармоқдаги мавжуд муаммолар, дунё мамлакатлари бўйича электр энергиясини ишлаб чиқариш, электр энергетика тармоқида бошқарув самарадорлигини баҳолаш хусусиятларини белгилаш электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: электр энергетика, ёқилғи-энергетика тармоғини электр энергиясини ишлаб чиқариш, энергия ресурслари, энергия объектлари, қайта тикланадиган энергия манбалари бошқарув самарадорлиги.

ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ЭЛЕКТРОСЕТЬЮ И ПУТИ ИХ УСТРАНЕНИЯ

Саидов Машаль Самадович

Доцент Ташкентского государственного экономического университета, кандидат экономических наук. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной научной статье рассматриваются проблемы в управлении электросетью, реформы, проводимые государством, и их результаты, существующие проблемы в сети, производство электроэнергии странами мира, определение особенностей оценки эффективности управления в электросети, содержит предложения и рекомендации по способам их устранения.

Ключевые слова: эффективность управления электроэнергетикой, топливно-энергетическими сетями, производство электрооборудования, энергоресурсов, энергетических объектов, возобновляемых источников энергии.

PROBLEMS IN MANAGING THE ELECTRICAL ENERGY NETWORK AND WAYS TO ELIMINATE THEM

Saidov Mashal Samadovich

Associate Professor of Tashkent State University of Economics, PhD. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This scientific article examines the problems in the management of the electric power network, the reforms carried out by the state and their results, the existing problems in the network, the production of electricity by countries of the world, the determination of the features of assessing the effectiveness of Management in the electric power network, provides suggestions and recommendations on ways to eliminate them.

Key words: management efficiency of electric power, fuel and energy network production of electrical equipment, energy resources, energy facilities, renewable energy sources.

Кириш

Дунё мамлакатлари иқтисодиёти бугунги кунда жуда қийин даврни бошдан кечирмоқда. Бунинг асосий сабаби, дунёда юз бераётган энергия инқирози ҳисобланади. Ер юзидаги мамлакатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга – энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, иккинчи гуруҳга – ишлаб чиқарилган энергияни сотиб олувчи мамлакатлар. Чунки ер юзида энергия манбалари нотекис тақсимланган. Бу эса энергетика соҳасининг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли давлатлар ўзларини ишончли энергия манбалари билан таъминлашга интилмоқда: анъанавий энергия ресурслари устидан назорат ўрнатиш (шу жумладан сиёсий ва иқтисодий босим чораларини қўллаш); анъанавий углеводород ресурсларини ривожлантириш ва қайта ишлашнинг илғор технологияларини жорий этиш орқали; қайта тикланадиган энергия манбаларидан (ҚТЭМ) иқтисодиётнинг реал секторларида, яъни турли ҳажмдаги саноат корхоналарида фойдаланиш орқали.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида асосий соҳалардан бири электр энергетикаси соҳаси ҳисобланади. Давлатнинг истиқболли ривожланиши ҳар доим унинг энергия ресурслари ва электр энергиясини ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб баҳоланади.

Иқтисодиёти ривожланган, жумладан, АҚШ, Европа давлатлари, Хитой, Япония, Жанубий Кория, Сингапур ва Малайзия каби давлатлар иқтисодиётига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда замонавий инновацион технологияларга асосланган электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳаси мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳар доим узлуксиз (мунтазам) ва сифатли электр энергетикаси таъминотиغا муҳтожлик сезилади. Жумладан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларини электр энергияси билан бир вақтнинг ўзида таъминлаш мураккаб технологик жараён ҳисобланади. Чунки электр энергиясига бўлган талаб ва таклиф бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Доимо барча тармоқ ва соҳаларнинг электр энергиясига бўлган талаби ошиб боради, лекин мунтазам равишда барча тармоқ ва соҳаларни электр энергияси билан бир вақтнинг ўзида таъминлаш имконияти мураккабликларни келтириб чиқаради. Бутун дунё мамлакатларида электр энергетикасига бўлган талаб ошиб бораётганлиги учун мамлакатлар иқтисодиётида глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида, электр энергиясига бўлган талаб ҳар доим ошиб боради. Электр энергиясига бўлган талаб қанчалик юқори бўлса, унинг нархи ҳам ҳам шунчалик ошиб боради. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда сарфланадиган энергия ресурсларининг аксарияти қайта тикланмайдиган ресурслар ҳисобланади. Бу эса маҳсулот ва хизматларнинг таннархига ўз таъсирини ўтказиши. Иқтисодиётда ўсиб бораётган талаб ҳар доим юқори чегарадаги нархлар орқали қондирилади. Электр энергетикаси соҳасида рақобат муҳитини доимо шакллантириб бориш, нархларни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳаларда энергия

тежамкор технологиялардан фойдаланиш, энергия ишлаб чиқариш станцияларини модернизациялаш, замонавий технологиялардан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирги кунда энергетика тармоғи мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатаётган тармоқлари учун асосий хом-ашё сифатида қараладиган электр энергияси билан таъминлаб берувчи ҳисобланади. Охирги йилларда қабул қилинган қарор ва фармонлар самараси улароқ соҳада таркибий ўзгаришлар, хусусийлаштириш ва либераллаштириш натижасида электр-энергетика соҳасининг ишлаб чиқариш тузилмалари асосан бошқарувнинг бозор усулларига мослашиш даврини бошдан кечиришмоқда.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини тез суръатларда ривожлантириш мақсадида, республикамизга хорижий инвестицияларни олиб кириш ҳажмини кўпайтириш, соҳаларнинг ишбилармонлик қобилятини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сонли Фармони қабул қилинди [1]. Электр энергетикаси соҳасини бир-биридан мустақил бўлган ташкилотларга топшириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4249-сонли Қарори қабул қилинди [2]. Қабул қилинган мазкур қарор натижасига кўра, «Ўзбекэнерго» АЖ тугатилиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича: таркибига 6 та иссиқлик электр станциялари ва 3 та иссиқлик электр марказлари кирадиган «Иссиқлик электр станцияси» АЖ, электр энергиясини магистрал линиялар орқали узатиш бўйича «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ га ва электр энергиясини ҳудудий тармоқлар орқали истеъмолчиларга ва иқтисодиёт тармоқларига етказиш бўйича «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ларига ишониб топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокида «Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди [3]. Мазкур қарорда, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ресурсларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ERP) жорий этиш» инвестиция лойиҳаларини Халқаро тараққиёт уюшмасининг 330 млн. АҚШ долларига тенг имтиёзли ва 50 млн. АҚШ долларига тенг имтиёзсиз кредитлари, Яшил иқлим жамғармасининг 43 млн АҚШ долларига тенг имтиёзли кредити ва 4 млн. АҚШ долларига тенг грант маблағлари ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

Энергия ресурсларининг барча турлари қуёш энергиясини табиий ўзгартириш натижасидир. Кўмир, нефть, табиий газ, торф, ёнувчи тоғ жинслари ва ўтинлар – бу ўсимликлар томонидан олинган ва ўзгартирилган қуёшнинг нурли энергияси захираларидир [4].

Дунё мамлакатлари электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади: **биринчи гуруҳ** мамлакатларига, асосан, иссиқлик электр станциялари орқали электр энергиясини ишлаб чиқарувчи - Россия Федерацияси, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари киреди. Улар электр энергиясини ишлаб чиқаришда, асосан, табиий газ, мазут ва кўмирдан фойдаланишади; **иккинчи гуруҳга** мамлакатларига - Хитой, Австралия, Мексика, Руминия, Голландия ва Польша давлатлари киреди, улар электр энергиясини ишлаб чиқаришда, асосан, табиий газдан

фойдаланишади; **учинчи гуруҳ** мамлакатларига - Гондурас, Колумбия, Кения, Бразилия, Янги Зеландия, Австрия ва Парагвай давлатлари киради. Улар, асосан электр энергиясини ГЭС (гидроэлектростанциялар)лари орқали ишлаб чиқаришади. **тўртинчи гуруҳ** мамлакатларига - Япония, Франция ва Бельгия давлатлари киради. Улар электр энергиясини асосан атом энергетикасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарадилар.

Бугунги кунда дунёда электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича Хитой, АҚШ, Россия Федерацияси ва Бразилия давлатлари етакчилик қилади.

Ҳар бир энергия манбаини қазиб олишда, қайта ишлаш ва истеъмол қилишда муаммолар мавжуд. Бутун дунёда энергетик хавфсизлик муаммоси турган пайтда, жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши, қоида бўйича, айрим бир ҳудудларда, давлатларда энергетик хавфсизликка таҳдид солиши мумкин [5].

Саноатлашиш жараёнида глобал энергияга талабнинг ошиб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларисиз барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. АҚШ Энергия департаменти маълумотларига кўра, дунёда энергия истеъмоли 2012 йилда 13,8 млрд. т.н.э.га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2040 йилларда ўртача йиллик 1,4 фоизга ўсиб, 2040 йилда 20,5 млрд. т.н.э.га етиши прогноз қилинмоқда [6].

Электр энергиясини истеъмол қилишнинг кўрсатилган даражаси самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан ишлаб чиқилган саноат ривожланиши стратегиясига мос келади. Етакчи мамлакатлар тажрибасига кўра, Ўзбекистонда саноат улушининг 20 фоиздан 35-45 фоизгача ортиши мўлжалланган [7].

Турли мамлакатларда электр энергияси соҳасини бошқариш, давлат бошқаруви органларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, аксарият ҳолларда ислохотларни амалга ошириш ва бозорнинг нормал ишлаши учун масъул бўлган мустақил орган тузилади [8].

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кўпинча, энергия компаниялари ўртасидаги рақобат натижалари горизонтал ва вертикал интеграциялаш, турли шаклларда уларнинг бирлашиши ҳисобланади [9]. Йирик ишлаб чиқарувчилар ва электр энергияси истеъмолчилари нафақат бир мамлакат ичида, балки қўшни мамлакатларни ҳам бирлаштирувчи трансмиллий савдо платформаларида шакллантирилмоқда [10].

Давлат тизими ва иқтисодиёт туридан қатъи назар ёқилғи-энергетика тармоғини давлат томонидан бошқариш зарур ҳисобланади [11].

Энергия хавфсизлиги давлатнинг унинг предмети ёки минтақасининг энергетик мустақиллиги билан боғлиқ, бу биринчи навбатда сиёсий муаммодир. Энергетика соҳасида ишлаб чиқарувчи давлатларнинг барқарор ривожланиши ва барқарорлиги иқтисодий энергетик хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади [12].

Энергия экспорт қилувчи мамлакатлар учун талабнинг хавфсизлиги, таъминотнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим бўлиши мумкин. Ушбу мамлакатларда иқтисодиёт ва давлат бюджети энергия экспортдан келадиган даромадларга жуда боғлиқ. Масалан, нефт саноати бўйича Саудия Арабистони ЯИМнинг 42 фоизини, бюджет даромадларининг 87 фоизини ва экспортнинг 90 фоизини ташкил этади [13].

Дунёда электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар гуруҳи қуйидагича жойлашган: Жанубий Америка, Ғарбий Европа, Осиё, МДҲ мамлакатлари, Лотин Америкаси, Африка, Австралия. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда умумий электр энергиясининг 80 фоизи ишлаб чиқарилса, ривожланаётган мамлакатлар эса 20 фоизни ташкил қилади [14].

Энергетика соҳасини ривожлантиришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш соҳанинг умумий стратегиясининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг муҳим

хусусиятларидан бири уларнинг энергия салоҳиятидир – қайта тикланадиган энергия манбаларининг тегишли турига хос бўлган энергия миқдорини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади [15].

Ўзбекистон нефть-газ саноати (НГС) мамлакат ёқилғи-энергетика комплексининг (ёқилғи-энергетика комплекси) асосий бўғинларидан биридир. Бугунги кунда у мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида нефть ва газ ресурсларидан самарали фойдаланиш, ёқилғи-энергетика комплексида инновацияларни қўллаш ва соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур ҳисобланади [16].

Атом электр станцияларининг мамлакат иқтисодиётининг ривожлантириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг жозибadorлигига таъсир қилувчи бир қатор ноёб хусусиятларга эга. Атом энергетикасини ривожлантириш дастурлари ҳар доим давлат ва инвесторларнинг узоқ муддатли мажбуриятларини белгилаб беради. Шунинг учун ядровий фаолиятдан келиб чиқадиган молиявий хатарлар ва келажақдаги мажбуриятлар доимо дунё мамлакатларининг диққат марказида бўлади [17].

Ҳар қандай мамлакатнинг электр энергетика бозори тарихан давлат назоратида бўлиб, тармоқ фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш бозор механизмлари орқали эмас, балки давлат бошқарув механизмлари орқали бошқарилган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини ҳаддан ташқари марказлаштириш, тармоқни монопол мавқеини сақлаб қолади. Бунинг натижасида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотишни бошқаришнинг янада мослашувчан ва хилма-хил шаклларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади, шунингдек, бозорни эркинлаштириш ва рақобат муҳитини самарали шакллантиришга турли кўринишдаги тўсиқларни юзага келтиради [18].

Мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш борасида узоқ йиллик тажрибага эга ҳисобланади. Шу сабабли, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини мунтазам энергия билан таъминлаш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз электр энергетикаси тармоғида бугунги кундаги мавжуд муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш лозим: электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш иқтисодиётнинг асосий соҳаси ҳисобланади; электр энергетикаси ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни назорат қилиш, тартибга солиш ва бошқариш борасидаги назарий билимларнинг етарли даражада илмий асосланмаганлиги; электр энергетикаси соҳасида табиий монопол ҳолатларнинг мавжудлиги (электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий тармоқлар орқали етказиб бериш); соҳада рақобат муҳитининг йўқлиги; электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида фаолият олиб бораётган кадрлар, асосан, ўрта маълумотли кадрлар ҳисобланади ва уларда тажриба малакасининг етишмаслиги; электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида замонавий технологияларнинг етишмаслиги; иқтисодиётнинг реал секторида электр энергетикаси соҳаси салмоғининг юқориги эканлиги.

Тадқиқот методологияси

Мақолада мамлакатимиздаги электр энергетика тармоғини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш,

мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Электр энергетикаси соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни соҳанинг етакчи мутахассис ва иқтисодчи олимлари томонидан ўрганилиб, хорижий илғор мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш орқали уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, иқтисодчи олимлар томонидан электр энергиясини ишлаб чиқаришда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган экологик ва иқтисодий зарарлар, дунё мамлакатлари бўйича энергетика ресурслари ва қазилма бойликларнинг нотекис тақсимланиш ҳолатлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, уларни бартараф этиш борасида ўз фикрларини баён этмоқдалар.

Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва соҳанинг бошқарув ҳолатини баҳолаш услубиётини амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Электр энергетикаси соҳасида бошқарув сифатини баҳолаш услубиётини амалга ошириш кетма-кетлиги [20]

Электр энергетикаси соҳасида бошқарув сифатини баҳолаш услубиётини амалга ошириш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш орқали соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланади ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади.

Электр энергетика тармоғи дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат томонидан бошқариб келинган. Чунки, электр энергетика тармоғи иқтисодий тармоқларининг фаолият олиб бориши ва уларнинг иқтисодий ривожланишида ўта муҳим соҳа ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, ривожланган давлатларда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида соғлом рақобат муҳити шаклланиб бўлган.

Дунё мамлакатлари бўйича электр энергиясини ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эътибор қаратамиз (1-жадвал).

1-жадвалда 2000-2020 йиллар давомида дунё мамлакатларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари келтирилган. Жумладан, энг кўп электр энергияси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторида 2000 йилда Хитой 1,356 ТВт электр энергияси ишлаб чиқарган бўлса, 2020 йилга келиб, 5,7 мартага ошиб, 6,442 ТВт электр энергияси ишлаб чиқарган. 2000 йилга нисбатан 2020 йилга келиб, Ҳиндистон 2,8 мартага кўп электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. АҚШ – 5,1 фоизга оширган, Россия – 24,8 фоизга оширган, Японияда – 5,3 фоизга камайган, Канадада – 6,9 фоизга кўпайган, Бразилияда – 75,9 фоизга ошган, Германияда – 0,9 фоизга камайган, Жанубий Кореяда – 96,9 фоизга ошган, Францияда – 1,3 фоизга камайган. Энг кам электр энергияси ишлаб чиқарувчи мамлакатларга қарайдиган бўлсак, 2010 йилга нисбатан 2020 йилга келиб, Нигерияда – 2,7 мартага ошган, Янги Зеландияда – 12,8 фоизга ошган, Португалияда – 20,4 фоизга ошган, Руминияда – 7,7 фоизга ошган, Ўзбекистонда – 38,3 фоизга ошган, Қувайтда – 2,3 марта ошган, Колумбияда – 76,7 фоизга ошган, Чехияда – 24,6 фоизга ошган, Чилида – 2,1 мартага ошган, Алжирда – 3,1 мартага ошган.

1-жадвал

Дунё мамлакатлари бўйича электр энергиясини ишлаб чиқариш (ТВт.соат)[22]

№	Мамлакатлар номи	2000 йил	2010 йил	2015 йил	2020 йил	2020 йилдан 2000 йилнинг фарқи	2020 йилнинг 2000 йилга нисбати
Энг кўп электр энергияси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар							
1	Хитой	1,356	4,208	5,860	7,798	6,442	5,7 м
2	АҚШ	4,053	4,378	4,317	4,262	0,209	105,1
3	Ҳиндистон	0,562	0,975	1,358	1,557	0,995	2,8 м
4	Россия	0,878	1,038	1,068	1,096	0,218	124,8
5	Япония	1,068	1,171	1,059	1,011	-0,057	94,7
6	Канада	0,606	0,603	0,658	0,648	0,042	106,9
7	Бразилия	0,349	0,516	0,582	0,614	0,265	175,9
8	Германия	0,577	0,633	0,648	0,572	-0,005	99,1
9	Жанубий Корея	0,290	0,500	0,553	0,571	0,281	196,9
10	Франция	0,540	0,569	0,580	0,533	-0,007	98,7
Энг кам электр энергияси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар							
1	Нигерия	0,015	0,026	0,032	0,040	0,025	2,7 м
2	Янги Зеландия	0,039	0,045	0,044	0,044	0,005	112,8
3	Португалия	0,044	0,054	0,052	0,053	0,009	120,4

4	Руминия	0,052	0,061	0,066	0,056	0,004	107,7
5	Ўзбекистон	0,047	0,052	0,059	0,065	0,018	138,3
6	Қувайт	0,032	0,057	0,068	0,075	0,043	2,3 м
7	Колумбия	0,043	0,061	0,079	0,076	0,033	176,7
8	Чехия	0,065	0,086	0,084	0,081	0,016	124,6
9	Чили	0,040	0,060	0,067	0,084	0,044	2,1 м
10	Алжир	0,028	0,048	0,052	0,088	0,06	3,1м

Изох: 1 тераватт (ТВт) = 1 000 000 000 киловатт (кВт) га тенг

Манба: yearbook.enerdata.ru/world-electricity-production-statistics.html маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, электр энергиясини ишлаб чиқариш салоҳияти қанчага ошган бўлса, уларнинг иқтисодийёти ҳам шунга яқин кўрсаткичларга ўсган.

Марказий Осиё давлатлари ичида электр энергиясини ишлаб чиқариш салоҳияти ва ўрнатилган қувват бўйича, биринчи ўринда Қозоғистон Республикаси ҳисобланади, иккинчи ўринда Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади. Марказий Осиё ҳудудида электр қуввати бозорини ташкил қилиш бўйича Қозоғистон Республикасида имконият бир томонлама юқори бўлиши мумкин, яъни электр энергиясини ишлаб чиқариш салоҳиятининг юқори эканлиги. Лекин бу борада, Ўзбекистон Республикасининг имкониятлари кенгроқ ҳисобланади. Марказий Осиё давлатларининг энергетик ресурс салоҳияти 2-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

2-жадвал

Марказий Осиё давлатларининг энергетик ресурс салоҳияти [24]

Мамлакатлар / йил		Кўмир* млрд.т.	Нефть* млн.т.	Газ* млрд. м ³	Уран** минг. Т.	Гидро*** млрд. кВт.с/й	ҚТЭМ**** млрд кВт.с/й
Қозоғистон	2000	34,1	2760	1841	601	27	66
	2020	34,1	2760	1841	601	27	66
Қирғизистон	2000	1,34	11,5	6,54	-	52	-
	2020	1,27	1,2	6,2	-	99	-
Тожикистон	2000	0,67	5,4	9,2	-	317	18,4
	2020	1,0	10	10	-	317	18,4
Туркменистон	2000	-	75	2860	-	2	-
	2020	-	75	2860	-	2	-
Ўзбекистон	2000	2	350	2000	83,7	15	-
	2020	2	350	2000	83,7	15	-
Марказий Осиё	2000	38,11	3261,9	6716,7	684,7	413	84,4
	2020	38,37	3205,2	6716,2	684,7	460	84,4


Изох: * кўмир, нефть ва табиий газ учун тасдиқланган қайта тикланадиган захиралар ҳажми берилган; ** 30 долл/кг гача ишлаб чиқариш харажатлари билан исботланган уран захираларини Жаҳон Энергия кенгаши (ЖЭК) баҳолаган; *** гидропотенциал – иқтисодий самарали. Ўзбекистон -техник гидропотенциал; **** ҚТЭМ - Қайта тикланадиган энергия манбалари.

Манба: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/pa.2427#:~:text=Central%20Asian%20countries%20are%20rich,use%20of%20regional%20energy%20resource> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп кўмир захираси Қозоғистонда - 34,1 млрд. тоннани ташкил қилади. Энг кўп нефт

захираси ҳам Қозоғистонда -2760 млн. тонна, иккинчи ўринда Ўзбекистон - 350 млн. тоннани ташкил қилади. Газ захираси бўйича биринчи ўринда Туркманистон - 2860 млрд. м³ни, иккинчи ўринда Ўзбекистон - 2000 млрд. м³, учинчи ўринда Қозоғистон - 1841 млрд. м³ ташкил қилади. Уран захираси бўйича биринчи ўринда Қозоғистон - 601 минг тонна, иккинчи ўринда Ўзбекистон - 83,7 минг тонна, қолган республикаларда уран захираси мавжуд эмас. Сувдан олинadиган электр энергияси бўйича, яъни гидроэлектр станциялари бўйича Тожикистон Республикаси - 317 млрд. кВт соат электр энергия ишлаб чиқариш билан биринчи ўринда турса, Қирғизистон Республикаси 2020 йилда - 99 млрд. кВт. соатни электр энергияси ишлаб чиқариш билан иккинчи ўринда туради. Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича, биринчи ўринда - Қозоғистон Республикасида йилига 66 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Иккинчи ўринда - Тожикистон Республикасида - 18,4 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Марказий Осиё давлатларида электр энергиясини ишлаб чиқариш динамикаси, фоизлар бўйича 2-расмда келтирилган.



2-расм. Марказий Осиё давлатларида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳолати, фоизда [21]

2-расмда келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1992 йил, 2000 йил ва 2020 йилларда Марказий Осиё давлатлари бўйича, электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича устунлик Қозоғистон Республикасига тўғри келади. Марказий Осиё давлатлари бўйича 2020 йилда жами ишлаб чиқарилган электр энергиясининг Қозоғистон Республикасида - 46,1 фоизи, Ўзбекистон Республикасида - 27,5 фоизи, Туркманистон Республикасида - 10,9 фоизи, Тожикистон Республикасида - 8,8 фоизи ва Қирғизистон Республикасида - 6,7 фоизи ишлаб чиқарилган.

Энергетика соҳасидаги мавжуд муаммолар йиғилиб, соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва уларнинг молиявий ҳолатини шубҳа остига солиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун электр энергетикаси соҳаси ривожланишига муносиб тарзда (қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишни кенгайтириш, кам харажатли технологиялардан самарали фойдаланиш, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни олдиндан тўлаб бориш, соҳага хорижий капитал миқдорларини жалб қилишни ошириш орқали рақобат муҳитини шакллантириш) эътибор қаратиш керак бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизнинг электр энергетикаси соҳаси ҳозирги кунда учта мустақил ташкилотга айлантирилгани учун, бунда бошқарув харажатлари бирмунча ошган. Шу

билан бирга, айрим масалаларда ноқулайликлар вужудга келган, жумладан, соҳада фойдаланилган электр энергияси учун тўловлардан пул тушумларининг ҳисоб-рақамлар орқали айланишдаги ноқулай вазият. Мустақил ташкилотларга айланган жамиятларда замонавий бошқарув усулларини қўллаш орқали қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида хусусий шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш, соҳага хорижий инвесторларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилган шартлар асосида жалб қилиш;

- электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, узатиб берувчи ва етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи манфаатли бошқарув муносабатларини такомиллаштириш ва улар бошқарувида замонавий инновацион усулларни қўллаш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун табақалаштирилган ва аҳолига имтиёзли чегирмалар асосида электр энергияси нарх (тариф) ларини белгилаш;

- мамлакатимизда электр энергияси учун тўловни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи механизмларини (хешбэklar асосида) жорий этиш;

- республикаимизда электр энергиясидан фойдаланганлик учун аҳолининг тўловга лаёқатсиз қатлами учун алоҳида нарх (тариф)лар белгилаш;

- иссиқлик электр станциялари ва марказларни бошқаришда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида соф рақобат муҳитини шакллантириш;

- электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари ва марказлар томонидан мустақил тарзда йирик саноат корхоналарига тўғридан-тўғри электр энергиясини узатиш имкониятини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5646-сонли Фармони <https://www.lex.uz/docs/4188798>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4249-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4257083>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокида 2022 йил 3 февралдаги «Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-113 – сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5849837>

4. А.Анорбоев, Д.Қодиров Энергия тежамкорлик асослари. Ўқув услубий қўлланма. -Т.: ТИҚХММИ. 2020. 147 б.

5. Ҳ. Абулқосимов Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: Akadimiya. 2012. 351 б.

6. Ш.Зокиров Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги хориж тажрибаси. Иқтисодиёт ва таълим №4. 2017. -Б. 7-12.
7. Г.Ш.Хонкелдиева Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2018.
8. В.Г. Королев Российский и мировой опыт формирования рынков электроэнергии и мощности. Специальность 08.00.14 - Мировая экономика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М.: – 2014. -С 20.
9. Л.Д. Гительман Энергетический бизнес: учеб. пособие / Л.Д. Гительман, Б.Е. Ратников. – М.: Дело, 2006. С. 95-101.
10. Д.В. Баландин Структура и особенности рынка электроэнергии: межстрановой анализ (на примере ряда стран – членов ОЭСР)/ Д.В. Баландин// Вестник СПбГУ. –2005. – Сер. 8. – Вып. 3.– С. 182-191.
11. А.М. Мастепанов Экономика и энергетика регионов Российской Федерации/ А.М. Мастепанов, В.В. Саенко, В.А. Рыльский, Ю.К. Шафраник – М.: ЗАО «Издательство «Экономика»», 2001. -С. 5.
12. Е.Дубровин, И.Дубровин Энергетическая безопасность как важная составляющая национальной безопасности. URL: <http://www.eprussia.ru/epg/170/12776.htm> (дата обращения: 11.01.2016).
13. CIA: The World Factbook. 2016. [Электронный ресурс] URL: <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/sa.html> (дата обращения: 06.10.2016).
14. Т.Мажидов Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик -Т.: 2016.
15. Saidov M.S. Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan // INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620-6269/ ISSN (printed): 2615-4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023 P. 38-52.
16. Saidov M.S. Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan // Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023 ISSN 2697-2212 P. 15-24. Available Online: <https://economics.academicjournal.io>
17. N. K. Yuldashev, M. S. Saidov. The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants // AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No. 1, 2023. P. 86-99.
18. Saidov M.S. Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekistan // International Journal of Business Diplomacy and Economy ISSN: 2833-7468 Volume 2 | No 1 | January -2023. P. 98-110.
19. Investments in the water and energy complex of Central Asia. Reports and working papers 21/3. Center for Industry Analysis Center for Integration Research. Almaty 2021
20. М.С. Саидов Электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришда олиб борилаётган ислохотлар // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар // 2021 йил, №5. 133-142 б
21. М.С. Саидов Электр энергетика соҳасини бошқаришда хориж тажрибасидан фойдаланиш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим // 2021 йил, №6. 44-53 б.

22. M.S.Saidov Ways to ensure energy security in Uzbekistan // Middle European scientific bulletin, Volume 21 FEB 2022. ISSN 2694-9970. S. 66-82.

23. Маннапов У., Рахаталиев А., Саидов М. ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗВИТИЯ ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА // Universum: экономика и юриспруденция: электрон. научн. журн. 2021. 10(85). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/12262>

24. Saidov M.S. The concept of energy security and the factors affecting it. // Global Technovation 4 th International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted From Paris, France. February 27th 2022. P. 89-93. <https://conferencepublication.com>